

4



Ингён ОН,
Сеул шаҳридаги Донггук
университети доценти (Жану-
бий Корея):

АЛП БЎЛИБ
ТУҒИЛГАН ЭЛ БУ!



6

ИНТЕРНЕТГА ҚАРАМЛИК
ҲАМ «КАСАЛЛИК»

8



**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА
САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**



Шавкат СУЛТОНОВ
сурат-лавҳаси

Миллий ҳунармандчилик анъаналари асрлар оша яшайверади



“Оила ва жамият” газетаси — мустақиллик тенгдоши, 23 йилки, мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида умргузаронлик қилаётган юртдошларимиз кўнглига маънавият ёғдуларини баҳоли қудрат улашиб келаётган оммабоп нашрлардан бири.

Муҳтарам юртдошлар!

Оиламизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.



ҲИКМАТ

Илм ва маърифат
руҳнинг истаги, ро-
ҳатпарастлик ва
дангасалик нафс-
нинг тилагидир.

Жалолиддин РУМИЙ

КАМТАР ВА ЖОНКУЯР

“Шухрат” медали соҳибаси Дилфуза Ҷуролова ташкилотчилиги, ташаббускорлиги туфайли ўз элдошлари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган фаоллардан бири. Айни пайтда у Мирзаобод тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида фаолият юритмоқда.

Дастлаб тумандаги 10-умумтаълим мактабида ўқитувчиликдан иш бошлаган Дилфуза кейинчалик шу илм масканида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, 11-умумтаълим мактаби директори лавозимларида хизмат қилди.

Хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, ажримларнинг олдини олиш, оилаларга кириб бориш, аёллар муаммоларини ўрганиш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи... Бу каби долзарб масалаларнинг барчаси хотин-қизлар кўмитасининг тегишли тармоқ ташкилотлари билан олиб борадиган оддий кундалик ишларидир.

— Бугунги кунда оилалар мустаҳкамлиги, тинч-тотувлигини таъминлашдек муҳим жараёнда хотин-қизларнинг энг аввало ўз хонадониди, қолаверса, жамиятда тутган ўрни ва нуфузини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди **Дилфуза Ҷуролова**. — Бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ҳамкорлиги ҳамда АТ “Микрокредитбанк” кўмагида “Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш” лойиҳаси аёлларимизга кенг имкониятлар яратмоқда. Туманимизда ҳам мазукур лойиҳа асосида кўлида хунари бор, аммо ишлаш учун шароити йўқ 125 нафар аёл иштирокида 20 та ўзаро ёрдам гуруҳи ташкил этилди ва 100 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу ўзаро ёрдам гуруҳларига ҳамфидо, иқтисодий ҳолати ўхшаш 5-8 нафар хотин-қиз бирлаштирилган. Бу гуруҳларга касб-хунар коллежларини тамомлаган, вақтинча ишсиз қизлар ҳам жалб этилган.

Албатта, хотин-қизларга кредит беришдан аввал уларнинг иқтисодий билимларини ошириш учун семинар-тренинглари ташкил этилади. Кредитни ўз вақтида қайтариш мажбурияти



ва масъулияти тушунтирилади. Аммо юртимизда хотин-қизларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун шундай имкониятлар яратиб берилаётганига қарамай, афсуски, айрим ҳолларда бундай қулайликлардан унумли фойдаланмаётганлар ҳам учраб турибди. Мисол учун, кам таъминланган оилалардан бирига 2 миллион сўм миқдориди кредит олишга кўмаклашдик. Хонадон эгалари ушбу маблағнинг 1 млн. 200 минг сўмига қорамол сотиб олишди. Қолган маблағни ем-ҳашагига сарфлаш лозим эди, бироқ, ўша пул рўзгорнинг кундалик майда-чуйда харажатларига сарф бўлиб кетганлиги аниқланди. Ҳар ҳам майли, олти ойгача деярли ҳар ҳафта шу оиладан хабар олиб турдик. Охириги ҳафтада борсак, кредитга олинган мол йўқ, не кўз билан кўрайликки, лоқайд уй соҳиблари уни бозорга олиб чиқиб, сотиб юбориб, пулига ўзларига кийим-кечак ва бошқа ҳар хил нарсалар харид қилишибди. Кредит маблағи эса ҳали тўланмаган эди...

Рўзгор тебратиси, фарзандлар тақ-

Кўмита фаоллари

дирига қайғуриш, топилаётган маблағни эплаб ишлатиш аёл кишидан ҳам жиддий масъулиятни талаб этади. Оиладаги хотиржамлик омили эса биринчи навбатда иқтисодий тежамкорликка боғлиқ. Биз ана шундай даврий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, айни пайтда мирзаободлик аёлларга бизнес курслари ташкил этиш ҳақида ҳам режалар тузаямиз. Яқин кунларда ҳар бир ҳудудда икки-учта маҳалланинг тадбиркор ва бу ҳаракатга қўшилиш истагида бўлган хотин-қизларни тўплаб, бизнесга ўргатишни бошлаймиз. Албатта, бу хайри ишда биз Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси мутахассислари кўмагига таянамиз.

Дилфуза Ҷуролова оилада қайнота-қайнонаси Бойтемир Ҷуролов ҳамда Мелиҳа аянинг маслаҳатларига, турмуш ўртоғи Шеркул Ҷуроловнинг мададига суянади.

— Ҳаётда ўз ўрнини топишимда ота-онанинг, айниқса, қайнота-қайнонанинг алоҳида ўрни бор, — дейди у. — Қайнона тўрт фарзандимни тарбиялашда яқиндан кўмак бердилар. Катта қизим дунёга келганида Сирдарё давлат педагогика институти (ҳозирги Гулистон давлат университети)нинг иккинчи курс талабаси эдим. Қайнотам эса ҳамиша: “Кўлимиздан келгунча келинимизга бир-галашиб ёрдам берайлик, яхши ўқисин”, дердилар. Ҳатто ўшанда боламан ўйлаб: “Ўқишимни сиртки бўлимга ўтказаман”, деганимда ҳам руҳсат бераманлар. Ҳаётда баҳоли кудрат ўз ўрнини топишимда, шунингдек, жамоатчилик орасида эътибор қозонишимда уларнинг муносиб ҳиссаси борлигини ҳамиша ҳис қиламан.

Бугунги кунда кўпроқ туман хотин-қизлари тақдирини билан боғлиқ бўлган эзгу ишлар таъшишида елиб-юғурдиган Дилфузахон ўзи ҳақида гапирини кўпам ёқтирмайди. Уни яқиндан билганлар эса: “Камтар ва жонкуяр бўлганлиги учун барча давралардаги аёллар билан бирдек тил топиша олади”, дея таърифлашади.

Зебо ҲАЙДАРОВА,
журналист,
Сирдарё вилояти.

ЗАРУРИЙ ТАВСИЯЛАР

Қарор ва ижро

Биз йилнинг тўрт фаслида ҳам ташкилот ва муассасаларда, шу жумладан, фуқаролар ўртасида мунтазам равишда ёнгин хавфсизлиги қоидалари хусусида тушунтириш ишларини олиб борамиз. Бу борада турар жойлар ва қурилиш иншоотларида нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги билан боғлиқ тавсияларни кўпчилик билиб қўйса, айни мудиодир.

Электр пайвандлаш ва газ алангаси билан боғлиқ ишлар бажариладиган жой ёнгин ўчириш воситалари (ёнгин ўчиргич, кум, намат ёки брезент, челақда сув) билан таъминланган бўлиши, атрофи 5 метргача ёниши мумкин бўлган моддалар, 10 метргача портлаш хавфи бор модда ҳамда ускуналар (газ баллон ва генераторлари) дан бўшатилиши керак. Ёнучан модда ва босим остида ҳар қандай суюқлик солинган ёхуд электр техник ускуналарга оид қувур, идиш ёки аппаратларни очик оловда пайвандлаш, кесиш, иситиш мумкин эмас. Газ баллонлари махсус хоналарда сақланиши ва уларда вентиляция, осон олиб ташланадиган конструкциялар бўлиши даркор. Газ баллонларини ертўлада ўрнатиш ман этилади. Тўсиқ конструкциялари ёнучан ёки ёниши қийин бўлган иситгич материаллари билан таъминланган биналарда, олов билан боғлиқ ишлар эса, фақатгина ёнучан материаллардан бўшатиш, қоплам қатламлари қилинган ва ёнгинга қарши пояс бор хоналарда бажарилади.

Пайванд қилиш билан бир пайтда ёнучан моддаларни қўллаш мумкин эмас. Газ билан пайвандлаш ишларини бажаришда кўчма ацетилен генераторлар очик майдонларда ўрнатилиши керак. Буни вақтинчалик яхши шамоллатилган хоналарда ўрнатишга руҳсат берилди. Газ баллонлари тик қуёш нуридан ҳимоя қилинган, иситиш ас-

бобларидан 1 метр узокликда бўлган жойда ўрнатилади ва буни ишлатишни ўрганган мутахассисларгина уларни сақлаши, кўчириши, қабул қилиши ва бериши мумкин. Баллонлар мустаҳкам туриши таъминланган махсус арава, контейнер ва бошқа мосламаларга кўчирилиши керак. Бундай генераторларни йўлларда, одамлар йиғиладиган жойларда ўрнатиб бўлмайди. Иш жойида фақат икки нафар ишчи ва захирадаги баллонлар туриши мумкин. Газ солинган баллонлар сони 50 дан ортиқ бўлмаган ҳолда махсус омборхона ёки қуёш нури тик тушмайдиган босим остида сақланиши лозим. Улар махсус катак ёки уяларга ўрнатилиб, камар, занжир ёки қисқичлар билан мустаҳкамланади.

Газ пайванд ишларини бажаришда:

— носоз ускуна ишлатиш;

— янги бўялган, бўёги тўлиқ қуриманган конструкцияларни кесиш, пайванд қилиш;

— пайвандлаш электр кабелли юқори босимдаги газ баллонларига тегиб кетишига йўл қўйиш;

— ёнучан ва тез алангаланадиган газ ва суюқликлар сақланган цистерна, бак, резервуарларни ювиб, буғламасдан туриб очик оловда иситиш, кесиш, пайванд қилиш;

— ёпиқ хона ва сизимлар ичида бир пайтда газ пайвандчи ва электр пайвандчиларнинг ишлаши ман этилади.

Пайвандлаш ва бошқа оловли ишлар якунланганидан сўнг жавобгар шахс ацетилен агрегатлари, газ баллонларини қурилаётган бинодан олиб чиқиб, махсус ажратилган жойга жўнатиши, электр пайвандлаш ускуналарини ўчириб қўйиши керак.

Р.ТАШМУХАМЕДОВ,
Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
кичик сержант.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИДА

СПОРТ — НАФОСАТ ВА САЛОМАТЛИК МАНБАИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамда бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида “Мустақиллик йилларида хотин-қизлар спортининг ривожини: ютуқлар ва муаммолар” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда Токент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан мураббийлар, институт профессор-ўқитувчилари, халқаро мусобақа ва чемпионатларда юксак натижаларни кўлга киритиб келаётган спортчилар, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортнинг аёлларга хос нафис ва нозик турларини ривожлантириш, спорт билан шугулланишни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва шу орқали аёллар саломатлигини асраш, соғлом авлод туғилишини таъминлаш масаласи устувор вазифалардан бирига айланишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган турли мусобақа, тадбир, марафон ва фестиваллар ўз самарасини бермоқда. Эндиликда халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларимизнинг салмоқли қисмини хотин-қизлар ташкил этаётган. Халқаро майдонларда юксак натижаларга эришиб келаётган спортчи қизларнинг 30 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлгани мамлакатимизда хотин-қизлар спортига берилаётган эътиборнинг ёрқин мисолидир.

Бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Кўмита саъй-ҳаракати билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида “Хотин-қизлар спортини ривожлантириш” йўналиши ташкил этилган бўлиб, 2013 йили 220 нафар талаба қабул қилинган бўлса, 2014 йили 260 та квота ажратилди. Бу каби тадбирлар натижасида ўтган йили мамлакатимиздаги аёл мураббийлар сони 15 минг 426 нафарга етди.

Конференция иштирокчилари томонидан хотин-қизлар спортини ривожлантиришда дуч келинаётган айрим муаммолар илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, 100 дан ортиқ мақолалар жамланган “Спорт — нафислик ва саломатлик манбаи” номи тўплам тақдироти ўтказилди, энг сара мақолалар муаххирлиги рағбатлантирилди. Йил давомида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг аёллар спортини ривожлантириш борасидаги фаолиятига яқиндан ёрдам берган фаоллар, спорт жамоатчилиги Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

БОЛАЖОНЛАР КУЛГУСИДАН УЛУҒРОҚ БАХТ ЙЎҚ

— дейди Бухоро вилоятининг Олот тумани тиббиёт бирлашмаси марказий касалхонасига қарашли болалар юқумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими шифокори, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Мурод Абдуллаев.

...Онаси жажжи Муроджонга сингилча олиб келди-ю, бетобланиб ётиб қолди. Қишлоқдаги эмчи хотиннинг даволари кор қилмагач, дадаси туман марказидан дўхтир топиб келди. Эгнига оппоқ халат кийган, меҳрибон бу аёлнинг муолажалари туйфайли она тезда оёққа турди. Уларнинг уйи яна қайтадан файзга, кўнгиллари қувончга тўлди.

Бугунги қахрамонимиз Мурод ака Абдуллаев ўзининг 52 йиллик умрини сарҳисоб қилар экан болалик йилларидан ўчмас хотира, келажагига пойдевор бўлган ушбу воқеани қайта-қайта ёдга олади. Зеро, ўша шифокор аёл Муроджоннинг мурғак тасавурларини ўзгартириб юборганди: Ҳар гал опалари: “Ана, дўхтир келди, қани, кўрпангга ўраниб, кўзларингни юмиб ол-чи”, дейишганида, кўз олдида ингичка учли найза ушлаган барзанги гавдаланар, кўркувдан дир-дир титтарди. Аслида эса, дўхтир дегани оппоқ либосли, покиза ва муҳими, оналарга меҳрибон бўларкан.

— Оиламиз каттагина эди, раҳматли ота-онам бир этак болаларни тарбиялаб, вояга етказишди, — дея ўз болалигини хотирлайди қахрамонимиз. — Дадам Бобожон ота Абдуллаев ҳисобчи, онам Шамсия ая Сатторова эса жамоа ҳўжалигида оддий ишчи бўлиб ишлардилар. Мактабдан эртароқ келиб, онамга ёрдамлашгани далага шошилардик. Биров: “Бу ҳали ёш бола-ку, даланинг

ишига ярайдими”, демас экан-да ўшанда...

Дадам доим ўқишларимизни назорат қилиб борарди. Кечки овқат маҳали, дастурхон устида кун давомида қилган ишларимизни галмагалдан айтиб берардик. Шўхлик қилибми, бирор номаъқул ишга қўл урсак, дадам қаттиқ койимасдилар, фақат индамай кўяқолардилар. Ана шу жимлик уришгандан минг чандон оғирроқ эди биз учун. “Ота сукути ҳам тарбия, ҳам ўркан, ҳам танбех”, деб шуни айтсалар керак-да.

Пиёла оққандга тўлмагунча, чой солиб ичмайдиган, ширинчойни хуш кўрувчи Муроджон ака-опаларига ўхшаб ҳисобчи эмас, шифокор бўлмоқчилигини айтганида, Бобожон ота ва Шамсия ая бир олам шодликка тўлишди. Насиб қилса, ўғлимиз катта дўхтир бўлади, дея ният қилишди-ю, аммо дилданларининг бугунги ютуқларини кўриш насиб этмади...

Ўзи фаолият юритаётган бўлимга оғир ҳолда олиб келинган болакайларнинг тез орада тузалиб, шифохонадан чопқиллаб чиқиб кетаётганини кўрган қахрамонимиз бир энтиқиб кўяди.

— Ёшлигимда Самарқанд шаҳрининг меъморий кўриши акс этган расмлар тўпламини кўлимдан қўймасдик, — дейди Мурод ака.

— Шунданми, мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай, Самарқанд давлат тиббиёт институтига ҳужжатларимни топширдим. Талабалик пайтимда дарсдан кейин шифохонада ишлардим. У даврларни ҳозирги кунлар билан таққос-



лаб бўлмайди. Барча даволоччи воситалар металдан бўлиб, бир марта ишлатиладиган тиббиёт анжомлари биз учун орзу эди. Битта игнани қайта-қайта стериллаб, йиллар давомида ишларардик. Шунданми, аҳоли орасида гепатит “В” каби турли юқумли касалликлар кўп учарди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлиқни сақлаш соҳасининг тубдан ислоҳ қилинганлиги эътирофга сазовор. Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан “Соғлом она — Соғлом бола” деб номланган эзгу тамойилнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши натижасида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида босқичма-

босқич изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда юртимизда икки ёшгача бўлган болаларни 11 турдаги инфекцияга қарши бепул эмлаш тизими шакллантирилди. 2005 йилдаги жаҳон соғлиқни сақлаш стан-

д а р т л а р и кўрсаткичларига кўра, мамлакатимиздаги 52 фоиз бола мутлақ соғлом бўлган бўлса, 2014 йилга келиб, бу кўрсаткич 63 фоизга етди. Охириги йилларда аҳоли о р а с и д а қоқшол, дифтерия каби оғир кечувчи касалликларнинг умуман қузатилмаганлиги, олис қишлоқларимиздаги замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктларининг аҳолига сифатли ва тезкор бирламчи тиббий хизмат кўрсатаётгани тиббиёт соҳасида 23 йил аввал бошланган янгиланишларнинг амалдаги самарасидир. Соҳада фаолият юритаётган ҳамкасбларимизнинг меҳнатлари эса юксак даражада эътироф этилмоқда. Бундай эътибор бизни яна янги куч ва масъулият билан меҳнат қилишга рағбатлантирмоқда.

Сўзимиз аввалида Мурод Абдуллаев улғайган хонадон ҳисобчилар оиласи эканлигини айтгандик. Тақдирни қаран-

Фидойилар

ғки, бу инсоннинг умр йўллари ҳам ҳисобчи қиз Робияхон билан боғланган экан. Робия опа Худаева Абдуллаевлар хонадонига келин бўлиб тушганида, ҳаётнинг ачиқ-чучуғини таътимаган, соддагина қиз эди. Қайнонаси Шамсия ая: “Келин олдим”, деб керилиб, чорпоёда оёғини узатиб ётгани йўқ. “Қизимлаб, кўзимлаб”, уни она қушдай қаноти остига олиб, рўзғор юмушларини ҳафсала билан ўргатди. Бирин-кетин Дилқушо, Маъруфжон ва Орифжон дунёга келишди.

— Фарзанд тарбияси, болаларни даволашдан фарқли эканлигини уйимизда чақалоқ дунёга келгач, чуқур ҳис қилганман, — дейди Мурод ака. — Уларнинг нафақат жисмоний саломатлиги, балки маънавий оламнинг бойлиги учун ҳам ота-она бирдай масъул. Шукрки, болаларимиз ўқимишли, эл қорига ярайдиган бўлиб улғайишди. Набираларимиз Нозанин, Бунёдбек ва Шодиёнахонларнинг шодликка тўла чехрасини кўрсак, Робияхон иккимиз қайта ёшаргандай бўлаемиз.

Сўхбат асосида қахрамонимиз Мурод Абдуллаевдан: “Агар бошқа касбни танлаш имкони бўлганда қайси соҳага ҳаётингизни бағишлардингиз?” деб сўрасак, у киши деразадан шифохона ҳовлисида онасини маҳкам қучоқлаб олган болакайга кўз ташлаганча, ўйчан оҳангда шундай деди:

— Айтинг-чи, дунёнинг бор шодлиги беғубор кулгусида муҳассам бўлган мана шу фарзандларимизнинг дардига малҳам бўлиш, соғлом авлодни камолга етишига озгина бўлса-да, ҳисса қўшишдан-да яхшироқ бахт борми, ўзи?!

**Маърифат
АБДУҲАМИДОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Бухоро вилояти.**

БАЙРАМ КЎНГИЛЛИ ЎТСИН!

Огоҳлик

Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган мамлакатимизда барча соҳалардаги улкан ютуқларимиз, эл-юрт фаровонлиги, муболағасиз айтиш мумкинки, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг юксак самараси бўлмоқда. Айна кунларда халқимиз Янги 2015 йилни хуш кайфият ва мазмунли кутиб олиш, байрам тадбирларини ҳамжиҳатлик билан ўтказишга кизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Мазкур тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати томонидан кенг қўллаб қўллашчи ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳоли турар жойлари, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа иншоотларида ёнгинларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ва амалий тадбирларни уюштириш янада кучайтирилди. Аиниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилишига алоҳида

эътибор қаратилмоқда.

Айни киш фаслида ўтказилаётган бу кулгў тантана бошқа байрамлар орасида ўзининг қизиқарлилиги, чин маънода болаларбоплиги туйфайли қутилмаган ёнгинлар келиб чиқиши хавфи ҳам юқори эканлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу байрам тадбирларини кўнгилисиз ҳодисаларсиз ўтказиш учун ташкилий ва тайёргарлик кўриш жараёнида нафақат давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки кенг жамоатчилиги ҳам ўз зиммасидаги масъулиятли вазифаларни адо этишда ҳушёр бўлишлари шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, биз куйидаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этилишини сўраймиз: Ўқув юртлари ва ташкилотларда арчани биноларнинг биринчи қаватида кенг хоналарда ўрнатилиши, унда хонанинг камида иккита чиқиб жойи бўлиши ва бу жойлар тадбир даврида доим қулфланмаган ҳолатда бўлиши шарт.

Муассаса раҳбарлари тантана бошланиши олдида ёритгичларнинг созлигини, электр сим ва кабеллар-

ни уланиши “Электр ускуналарини тузилиши қоидалари” асосида бажарилганлигини, ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари мавжудлигини ва ишга яроқчилигини текшириб кўришлари зарур.

Янги йил байрами тадбирлари ўтказиладиган объектларда арчани мустаҳкам қилиб ўрнатилиши, шохлари девор ва шифтларга тегмаслиги, меъёрий талабларга жавоб бермайдиган, кучлиниш 12 вт. дан ва қуввати 25 вт. дан юқори бўлган электр гирляндлари ва тез алангаланувчи буюмлар билан безатилмаслиги жиддий назоратга олиниши керак.

Арчаларни қоғоз, целлулоид ўйинчоқлар, пахта ва тез ёнувчи материаллар билан ясаши ҳамда иситиш мосламалари ёнида ўрнатиш мумкин эмас.

Байрам маросимлари вақтида бенгал шами, турли мушак ва бошқа турли пиротехника воситаларидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Болаларни арча атрофида ва арча ўрнатилган хонада ёлғиз қаровсиз қолдириш ҳамда уларни тез ёнувчи материаллардан тайёрланган кийим-

лар билан кийинтириш, очик оловдан фойдаланиш ва шунга ўхшаб ёнгин ёки портлаш хавфи бор ишларни амалга ошириш мумкин эмас.

Қаторлар оралигидаги ўтиш жойларини торайтириш, у ерларга қўшимча стул ёки креслолар ўрнатиш ва белгиланган меъёрдан кўп одамлар билан хоналарни тўлдиршига ҳам йўл қўйилмайди.

Мухтарам юртдошлар!

Қишнинг совуқ кунларида, Янги йил байрами арафасида хонадонингизда ёнгин чиқмаслиги учун носоз газ ва электр мосламалар, ёнгин хавфсизлигига жавоб бермайдиган қўлбола иситиш ускуналаридан умуман фойдаланманг!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси юқорида таъкидланган барча қоида ва талабларнинг ширин ҳаётимиз ҳамда қувончли байрамимизни кўнгили ўтказишнинг муҳим гарови эканлигини таъкидлайди.

**Жалолиддин ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Ёнгин хавфсизлиги бош
бошқармаси катта муҳандиси.**

Ингён ОН,
Сеул шаҳридаги Донгкук университети доценти (Жанубий Корея):

АЛП БЎЛИБ ТУФИЛГАН ЭЛ БУ!

...Азиз етти ёшда бўлса ҳам ҳамма нарсага қизиқади. Онаси билан дадасига "у нима", "бу нега" деган саволларни беравериб ўзи чарчамайди-ю, лекин катталарни толиқтиради. Бир куни "Алпомиш" мультфильмини кўриб ўтирган болакай яна оёғига катор-катор саволларни бера бошлади. Азизнинг: "Алпомиш ким ўзи?", "Қандай қилиб Алпомиш ҳеч ким кўтаролмаган ёйни кўтарди?", "Алп дегани нима?", дея берган болакайча саволларига онасидан ҳам, отасидан ҳам жўялироқ жавоб ололмади. "Алпомиш" образи шу-шу Азиз учун очилмаган сир бўлиб қолди...

Ўзбек халқининг ўзлигини, миллат тамаддунини, барҳаёт мерослари ва қадим ўтмишини намоеён этган бу шоҳ асарнинг мазмун-моҳияти, кадр-қиммати тўлаллигича англай олмаган ота-оналар, афсуски, орамизда кам эмас. Ҳозирги вақтда китоб ўқимайдиган ёки ўқиса ҳам савияси паст асар ёки "бозорбоп" газеталарда чоп этилаётган боши-охири йўқ "саргузашт-детектив қиссалар"ни мутлоаа қиладиганлар мактаб дарслигига киритилган ушбу дoston ҳақидаги қисқагина маълумотни ё биллади, ё билмайди. "Алпомиш" ёзувчилар томонидан яратилган асар эмас, балки улуг халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихи, оғзаки ижоди, даврдан-даврга ўтиб келган бебаҳо мероси саналади. Ваҳоланки, "Алпомиш" дostonи ҳақида олимлар қатор илмий тадқиқотлар олиб борган, оммавий ахборот воситаларида муҳим чиқишлар қилинган ва юзлаб қўлланмалар нашр этилган. Минг афсуски, кейинги вақтда юзаки, хом-хатала сценарийлар асосида тайёрланган баъзи маийш сериалларни айтасизми, ёхуд "тараққиёт меваси", деб тақдим этилаётган телефон ва компьютер техникаларига ҳаддан ташқари ружу қўйиш, боғланиб қолишдан ташқари улардан нотўғри мақсадларда фойдаланиш оқибатида қалбида миллий қадриятларга нисбатан лоқайд муносабат шаклланаётган ёшлар ҳам учрамоқда. Бироқ қувонарли жиҳати, истиқлол даврига келиб, хорижлик мутахассисларнинг бизнинг бой маънавий меросимизга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётир.

Ўтган ҳафта қувончли хушxabар тарқалди: Ўзбекистон Миллий университетида кореялик Ингён ОН ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўлмас асарини "Алпомиш" дostonига бағишлаб тайёрлаган бир неча йиллик илмий изланишлари

Агар халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, "Алпомиш" ана шу дostonнинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади.

Ислом КАРИМОВ



маҳсули — докторлик диссертациясини бизнинг она тилимизда муваффақиятли ҳимоя қилди.

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридаги Донгкук университети доценти Ингён ОН 2010 йилда Ўзбекистонга келган эди. Дастлаб Низомий номидига Тошкент Давлат педагогика университетида корейс тилидан таълим берди. Илмга чанқок қиз шу орада ўзига хайрихоҳ бўлиб, меҳр-оқибат кўрсатаётган миллат тилини пухта ўрганишга киришди. Кўп вақт ўтмасдан аjoyиб иқтидор соҳибасининг соф миллий руҳда яратилган нодир асарларга бўлган қизиқиши кучайди. Ниҳоят, фидойи устози, филология фанлари доктори Маматкул Жўраев раҳбарлиги остида "Алпомиш" ва "Жумонг" дostonларининг қиёсий типологияси, деб номланган докторлик диссертациясини ёқлашга киришди.

Ингён ОН ҳикоя қилади:

— Ўзбекларда "Тил билан дил билади" деган аjoyиб ҳикмат бор экан. Албатта, мен учун ўзбек тилини ўрганиш осон кечгани йўқ, лекин аънаналар, қадриятлар яқин бўлгани боисми, жиддий шуғулланишимга тўғри келди. Айниқса, "Алпомиш" дostonи билан яқиндан таниша бошлагач, ўзимизнинг "Жумонг"га яқин, ҳамоҳанг қирралари борлигини англадим. Ўзбек ва корейс қахрамонлик дostonларининг ўзига хос хусусиятлари, сюжет тузилишининг муштарак жиҳатлари ва генезисини тадқиқ этдим. Бу гигант асарнинг Шаркий Осиё халқлари, хусусан, корейс фольклорига кўрсатган таъсири, генетик жиҳатдан ўзаро уйғунлиги ва халқ дос-

тончилиги аънаналарининг қадимий негизиде боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш асосий мақсадларимдан бири эди. Дostonнинг ҳар бир варағи менда ўзбек халқи маданияти ҳақида янги тасавурларимни шакллантирди. "Алпомиш"ни корейс эпоси "Жумонг" билан солиштиришимда қахрамон ва воқеалардаги айрим боғлиқликлардан ҳайратга тушдим. Бу эса икки халқнинг азалий аънаналари муштарак эканлигини намоеён этади.

Икки асар қиёсидан бир парча

"Алпомиш" ва "Жумонг" дostonларининг бешта ўхшаш жиҳати:

1. Аслзода насл-насабига мансублик.
2. Файритабийи туғилиш.
3. Тахлика ва уни енгиш.
4. Аjoyиб қобилият.
5. Муаммони ҳал қилиш.

Ана шу жиҳатлар асосидаги қиёсий таҳлилимдан бир мисол келтирмоқчиман. Қахрамоннинг ўқ отиши унинг "алп"лигини кўрсатадиган асосий белгилардан бири, тўғрими? "Алпомиш" дostonида эпик қахрамон етти ёшга тўлганида ўзининг алплигини, эл-юрт бирлиги учун туғилганини бобосидан қолган камондан ёй отиш орқали исботлайди. "Жумонг" эпосида унинг табиатида илоҳийлик мавжудлигини, яъни Жумонг ўқ-ёй тимсоли сифатида тасаввур қилинган Қуёш тангрисининг ўғли эканлигини кўрсатади. Бинобарин, Евроосиё халқлари мифологиясида камон ва унинг ўқлари давлат ҳамда ҳокимият белгиси, одамни ёвуз кучлар хуружидан ҳимоя қилувчи магиқ ашё сифатида талқин қилинган.

— "Алпомиш" ўзбек халқининг бебаҳо бадий ёдгорлиги бўлиб, унда қахрамонлик, мардлик, она-Ватанга муҳаббат, эл-юрт ҳамжиҳатлиги ва фаровонлиги мужассам, — дея сўзини давом эттиради Ингён ОН. — Дostonнинг ўзбек бахшилари эркин репертуаридаги барча вариантларида ватанпарварлик, жасорат, юртсеварлик, бирдамлик ва бунёдкорлик улуғланган. Дostonни мутлоа қилиш давомида бу халқнинг асарлар давомида жуда

Эътироф

катта руҳий-маънавий қувватга эга эканлигини ҳис этдим. Шунинг учун ҳам "Алпомиш" ўзбек халқининг миллий ўзлиги ва шарафли тарихий тараққиётини ўзида бадий акс эттирган бебаҳо қахрамонлик дostonи сифатида эъзозланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг: "Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл пахлавонлар этиб тарбиялаб келган. Шу маънода халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлиши "Алпомиш" дostonи миллатимизнинг ўзлигини намоеён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қахрамонлик қўшиғидир", деган сўзлари юқориде таъкидланган эътирофнинг асл исботидир. Ўзбек халқининг қахрамонона тарихи, эл-юрт осойишталиги ва оила кўргонини муқаддас деб билган ориятли йигитларнинг мардлиги тасвирланган "Алпомиш" дostonи Марказий Осиё халқлари бадий тафаккури тараққиётига бекиёс таъсир кўрсатган. Бугунги ўзбек ўғлонларининг қиёфаси, улардаги мардлик, Ватанга муҳаббат, хотин-қизларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш Алпомишнинг алплиги мероси десам хато бўлмайди...

Кореялик Ингён Оннинг шу кунларда ўз илмий ишининг ҳосиласи сифатида "Алпомиш" дostonини корейс тилига таржима қилаётганини эшитиб суюндик. Шу ўринда бошқа бир миллат вакиласининг Шарк, тўғривоғи, туркий халқларнинг энг нодир ва ноёб мероси сифатида авлоддан авлодга, асарлардан асарларга ўтиб келаётган "Алпомиш" дostonини баҳоли қудрат ўрганиб, таҳлил этиб, ўз юртдошларини ҳам ушбу асардан божабар қилмоққа уринаётгани бизнинг кўнглимизда бир иштибоҳ уйғотди. Шукрки, мустақиллик шарафати билан Ўзбекистонимизнинг ўзининг барча соҳаларда эришяётган улкан ютуқлари тўғрисида дунёга танилди, йил сайин нуфузи ортиб бормоқда. Хўш, бугун халқроқ тилларни пухта ўрганаётган, иқтидорли изланувчан йигит-қизларимизга шахсан давлатимиз раҳбари раҳнамолигида давлатимиз томонидан кенг имконият ва ғамхўрликлар кўрсатилаётган бир пайтда халқимизнинг бой ўтмиши, қолаверса, бугунги жаҳоншумул тараққиёт одимлари ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни таржима қилиш, тарғиб этиш қийинми? Биз корейлик Ингён Оннинг қилаётган эзгу ишларини қўллаб-қувватлаш, унга хайрихоҳ бўлиш баробарида ўзимиз ҳам бу борада истеъдоду салоҳиятимизни намоеён этмоққа интилайлик.

Камола АДАШБОВА,
журналист.



ФИЛЬТР — бир қарашда бу сўзнинг маъносини ҳаммамиз биламиз, яъни у суюқлик ёки газларни кераксиз аралашмалардан тозалаш учун хизмат қиладиган мослама, сузгич маъносини билдиради. Бироқ унинг туб маъносини ҳаммамиз ҳам биллавермаймиз. "Филтр" сўзи лотинча бўлиб, "кигиз", "намат" деган маъноларни англатади.

ВОЯ — тилимизда "вояга етди" деган ибора асосан униб-ўсиб, етилмоқ ёки бошқа жиҳатдан етуқликка эришмоқ маъноларини англатади. Аслида "воя" сўзи "ҳисса", "насиба", "истак", "эҳтиёж", "ақл", "эс" маъноларини билдиради. Демак, "вояга етди" ибораси "ақлга етди", "насибага етишди", "ақли тўлишди" каби маъноларни англатади.

Қизининг вояга етаётганини сезган Кумри уни янада эҳтиётлай бошлади.

Журналдан

МИРЗО — ўзбек тилининг этимологик луғатида изоҳланишича "ҳукмдор" маъносини англатадиган "амир" отининг қисқартирилган "мир" шакли билан "зода" отининг қисқартирилган "зо" шаклининг қўшилишидан ҳосил бўлган. "Мирзо" сўзи "амирнинг ўғли" деган маънони англатиб, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур каби бирикмалар таркибида ишлатилади.

Алишер Навоий Баддиуззамон Мирзога ёзган мактубларида адолатни маҳкам тутиш борасида доно маслаҳатлар берган.

Газетадан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

ЙИЛ СЎНГИДАГИ ЎЙЛАР

Юртбошимиз 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб номлаш ҳақида таклиф билдирганларида эндигина “тили чиқиб”, бийрон сўзлаётган қизалоғимиз, ўғилча-мизни бағримизга босиб: “Йил сенга аталди, болажоним”, дегандик. Бугун эса “Кексаларни эъзозлаш” йилини кутаётиб, мулоҳаза, мушоҳада ва тафаккурга берилганмиз.

Йилларнинг номланиши моҳиятига аҳамият бердигизми? “Соғлом бола йили” ҳаёт давомийлиги, баркамол фарзандларни вояга етказиб, тарбиялаш билан инсон мангуликка дахлдор бўлажогига ишора қилса, “Кексаларни эъзозлаш йили” дунё омонат, инсонлар, яқинларимиз, ота-она, момо-боболаримизнинг ганиматлигини, бир кун афсус этадиган кўз ёшимизни артмаслик учун бугун уларни қадрлашимизни ҳар онда эслатади.

Яқунланаётган йилда барча режаларини амалга оширган, йилни ёруғ юз билан қузатаётганларнинг эса кўнглида янги орзулар уйғонмоқда. Мана уларнинг шукроналари, англаганлари ва орзу-умидлари...

Ақром Малик, ижодкор:

— Улғайгани сари инсон учун вақтнинг ҳисоб-китоби жуда катта аҳамият касб эта бошлар экан. 2015 йил оstonасида турибмиз. Йил бошида жуда кўп нарсаларни ният қилган эдим. Ўтаётган йилда ҳазрат Навоий ижоди билан боғлиқ *alishernavo.uz* сайтини ишга туширдик. Бу сайтда баҳоли қудрат Навоий шеърятининг ихлосмандлари учун зарур маълумотларни бериб бораётган. Бундан ташқари, инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни ўрганишга ният қилгандим, айти пайтда ҳаракатларим сари дастлабки қадамларни қўйдим.

Ортга қараганимда амалга оширмаган ишларим эмас, беҳуда ўтган вақтим юрагимга оғриқ солади. Келажакка боқиб, ўша хатоларни такрорламаслик умидидаман. Ниятлар кўп, уларни айтгандан кўра, амалга ошириб, тақдим қилган маъқулроқ деган ўйдиман. Барча юртдошларимизга эзгу ва улкан орзулар ҳамда уларнинг ижобатини тилайман.

Ойгул Номозова, ЎЗМУ филология факультети талабаси:

— Йил аввалида кўнглимга туккан ниятларимнинг деярли барчасига эришишга улгурдим, минг шукур! 2014 йилда олий таълим тахсилнинг 3-босқичини аъло баҳоларда тугаллаб, ўқитувчилик амалиётида ўзимни синладим. Бу касб менга жуда ҳам ёқди. Энг муҳими, “Соғлом бола

йили”да мен оналик бахтига мушарраф бўлдим ва биринчи фарзандим Муҳаммад Алини соғ-саломат бағримга босдим! Фарзанд дунёкарашни ўзгартиради, деганлари рост экан. Ўғлим шўх-шаддод, кувноқ ва ўйин-кулгунни яхши кўрадиган онасини босиб, мулоҳазали ва меҳрибон аёлга айлангандир! Яна шукронам шундаки, ота-онам, қайнота-дадажоним, қайнона-ойижоним соғ-саломат, биз фарзандларнинг дуойи жонимизни қилиб, маслаҳатгўйимиз бўлиб юрибдилар. Илоҳим, умрларини зиёда бўлсин! Янги йилда орзуларим — сеvimли оилам кучоғида яқинларимни соғ-саломат ва хотиржам кўриш, фарзандимни меҳр-муҳаббат билан парваришлаш ва албатта тахсилни муваффақиятли адо этиб, диплом олиш. Янги йил барчага қутлуг келсин!

Манзура Раҳимова, ўқитувчи:

— Унчалик катта орзуларимга эришмаган бўлсам-да, фарзандларим, турмуш ўртоғим ва яқинларимнинг соғ-саломатлиги мен учун катта бахт. Энг асосийси, бу йил анча улғайдим. Февралдаги айрим курсурларни энгишга ҳаракат қилдим. Ҳаётга қарашларим ўзгарди. Бу катта нарса эмасми? Йиллар давомида бошимга қандай яхши ёки ёмон кун тушган бўлса, бари февралда туфайли эканини англадим ва умримнинг кейинги саҳифаларида шу хатоларни такрорламасликка аҳд қилдим...

Дил илҳорлари

Ҳамиджон Садриддинов, Бухоро вилояти:

— Яқунланаётган йилда коллежни тамомлаб, олий ўқув юртига ҳужжат топширгандим, талаба бўлиш насиб этмади. Янги йилда албатта, ўзим истаган олий ўқув юрти талабаси бўлиш учун ўқийман, ўрганаман. Бу йилдаги ҳаракатларимни аллақачон бошлаб юборганман. Гарчи, бир йилга кечиккан бўлсам-да, омадсизлик менга кўп нарсаларни ўргатди. Хар қандай ҳолат — хоҳ у бахт бўлсин, хоҳ бахтсизлик инсон учун сабоқ бўлар экан. Йил менга шу ҳақиқатни англади...

Гулбахор Саидганиева, олима, таржимон:

— Назаримда, бу йил мен учун бошқа йиллардан фарқли равишда самаралироқ кечди. Бир иждоқор, бир олима сифатида оз бўлса-да ютуқларга эришдим. Бу йил жаҳон адабиёти бўйича ўқув-услубий қўлланмам, “Ҳабибулло Саид Фани ҳаёти ва ижоди” номли монографиям нашрдан чиқди. Шу иждоқорнинг “Осмон каби мангу” номли китобида муҳаррирлик қилиб, нашр эттиришга муваффақ бўлдим. Рассомчиликка иштиёқи баланд ўғлимнинг чизган суратлари “Ёшлик” журналида чоп этилди. Немис ёзувчиси Патрик Зюскинднинг “Парфюмер” романини ўзбек тилига таржима қилгандим, яқунланаётган йилда шу таржимам «Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинди. Янги йилда докторлик диссертацияси устида ишлаш ниятим бор. Аллоҳ куч-ғайрат, шижоат ва илҳом берса, янги асарлар ёзиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиш ниятидаман. Янги йил барчага муваффақиятли, унумли ва серфайз келсин!

Инсонни яшашга, келажакка умидлантираётган орзу-умидлар, эзгу режаларнинг борлиги қандай яхши! Янги йилнингиз, янги орзу-умидларингиз муборак бўлсин!

Умида АДIZОВА.

NUGA BEST

компаниясининг
Ўзбекистондаги
расмий худудий
вакили

РЕКЛАМА

Ватандошларимизни янги –
2015 йил билан самимий
муборакбод этади!

Янги йилда ҳаётимиз янада
фаровон, турмушимиз
сермазмун ва фарахбахш
бўлмоғини Яратгандан тилаб
қоламиз.

Тани сихатлик, меҳр-
мурувват ва бағрикенглик ҳеч
биримизни тарк этмасин!

Диққат!
NUGA BEST дан акция!

Махсулотлар
сертификатланган
(№1338702) ва
лицензияланган
(US0298).



2014 йил 10 декабрдан
2015 йил 10 январгача
1 та NM 5000 PLUS массаж
кроватьини харид қилсангиз,
1 та NM-80 гиламчаси совгага берилади.

Янги йилнингиз муборак бўлсин.
Азиз юртдошлар!

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тиқиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой.

Биқиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корей тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тиқиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛ: Яшнобод тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй 40-хона.

МЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан 26.06.2013 йилда Салимов Абдурахим Саитжонович номига берилган №001801-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Азиз фарзандимиз Ферузая!

Таваллуд айёмининг муборак бўлсин. Сенга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, ўқиш ва ишларингда муваффақиятлар тилаймиз. Доимо омад ёр бўлсин.



Даданг, оинг, синглинг ва укаларинг

Бир умр қишлоқ мактабда ўқитувчилик қилиб, нафақага чиққан Абдубакир ота кечадан бери изтиробда. Кўпчиликнинг иззат-хурматига ўрганиб қолган отахонни маҳалла фаоллари йигинига чақиривмади. Аввала: "Менга хабар етди келмагандир-да", деган хайлга борди. Бирок...

Абдубакир ота саволларига бугун жавоб тополмас, туни билан мижага қоқмаслигини тушуниб, кўчага чиқди. Бироз юргач, Фатхуллага мол дўхтирининг дарвозаси ёнида уюлган шағални кўрсатиб, ниманидир уй эгасига тушунтираётган маҳалла оқсоқолини кўрди-ю, қадамни секинлатди.

— Тинчликми, Бахтиёржон? — самимий оҳангда сўради ота. — Ишлар билан чарчамайпизми?

— Э, отахон, ишдан-ку чарчамайман. Лекин шу Фатхуллага акага ўхшаган одамларнинг иккитаси билан гаплашсам, ҳафсалам пир бўлади, Шундай чиройли кўчани бузиб, шағал тўкиб қўйганини кўрмайсизми?

— Фатхуллага отасининг

— Қанақа ҳамкор? — газаб билан унга тикилди ота. — Уни йўлдан урадиган бўлсанг, ўзингдан кўр!

— У товар олиб келади, мен дўконларимга тарқатаман. Буни "бизнес" дейдилар! — тиржайди у.

— Шошма, — таажубланди Абдубакир ота, — у Кўйликка йўловчи ташийдиган киракаш бўлса. Қанақа товар ҳақида гапирясан? Каердан олиб келади уни?

— Биз узумини еб, боғини суриштирмаймиз, — мазах қилгандай кулди Норча.

...Ота такси-автомашиналар тўхташ жойига бориб, ўғлини суриштирди. Ҳамкасблари Тўхтабойни икки кундан буён кўришганини айтишди. Ота йўловчи автомашинага ўтириб, катта ўғлининг уйига йўл олди.

фарқи бор? Буюртма бўйича бордим. Узумини еб, боғини сурамайман

Ота бу гапларни эшитиб, чидаб туролмади. Ўрнидан туриб келиб, ўғлининг кўзига еб қўйгудек тикилди.

— Демак, айланма, тупроқ йўлларда ивирсиб юрганинг рост экан-да? Нима, қариганимда тириклай гўрға тикмоқчимисан, ярамас?! —

— Бойиб кетаётганимни кўролмаётганларнинг гапини гапирманг, — жеркиб берди отасини Тўхтабой.

— Агар ўзингни ўйламанг, норасида қизларинг — Фотима-Зухрангни ўйла, — дакки берди чол. Мен ҳам маҳаллада бош кўтариб юролмай қолдим.

Шу дамда ичкаридан чиқиб келган Ойсара қайнотасининг гапини бўлиб, бобиллай кетди:

— Э ота, шу ўғлингизни тинч қўясизми-йўқми? Пул топмаса, "топмади", топса, "топди" деб, уришганингиз уришган. Оиламизга аралашманг! Худога шукр, ҳеч кимдан кам эмасмиз.

— Келин, мен пул топ-

Жиноятга жазо муқаррар

сўради. 3-4 тонна юк сифатда транспорт воситаси топишни ҳам илтимос қилди. Энг муҳими, савдолашмади ҳам. У Тўхтабой сўраган пулнинг ярмини ўша захоти қўлига тутқазди, бир кути музлатилган товук оёқларини ҳам тортиқ қилди.

Тўхтабой бошқараётган "Жигули" тиркамали тракторнинг олдига тушиб, манзилга етгунча айланма йўллардан анча вақт юришига тўғри келди. Ниҳоят, улар чегара сим-тўсиклардан сал берирокда тахлаб қўйилган ғоғоз қутилар уюмига дуч келишди. Ёлланган ишчилар машина чироғи ёруғида қутиларни трактор тиркамасига орта бошлашди.

— Менга қаранг, — деди шошиб қолган Тўхтабой мижозига юзланиб, — сиз деҳқончилик маҳсулотлари дегандингиз-ку? Бу нимаси, нега мени алдадингиз?

— Қанақа ишга бош кўшганингни ҳали тушунмадингми? — деди мижоз совуққонлик билан. — Жарақ-жарақ пулни олганингдан кейин буюрган ишимни қилсан!

Шу пайт қаёқдандир пайдо бўлган қуроли аскарларга кўзи тушиб, шарт машинасига ўтириб, қочишга тушди. Айни дамда қўл телефони тинимсиз жиринглай бошлади. Анча жойгача қочиб борган Тўхтабой, уни ҳеч ким таъқиб қилмаётганига ишонч ҳосил қилгач, телефонни қўлига олди. Ундан хотинининг овози эшитилди.

— Шўримиз қуриб қолди, дадаси, — деди хотини йиги аралаш. — Энди нима қиламиз? Зухра кеча сиз олиб келган товукдан еб, захарланиб... Каердасиз, тез етиб келинг. Биз шифохонада, жонлан тириш бўлимадамиз...

— Зухра тирик қолиши керак, — деди у. — Дадамдан ёрдам сўра! Мен ҳозир боролмайман.

— Нега келмайсиз? Дадам шу ерда, — жавоб берди хотини. — Ўз вақтида шифохонага олиб келгани учун ҳам ҳозирча бола тирек.

— Мен қўлга тушдим, — деди Тўхтабой. — Дадам ҳақ экан, Ойсара...

Туман ички ишлар бўлимида, бошқа жиноий шериклари қатори сўроқ қилинган Тўхтабой эрталаб тилхат асосида қўйиб юборилди. У шифохонага етиб келганида, уч яшар Зухра операция қилиниб, ўзига кела бошлаганди.

Тўхтабой отасининг кўксига бошини қўйиб, узок йилгади.

— Ҳаммаси яхши бўлади, ўғлим, — фарзандининг бошини силади ота, — "Сув бир лойқаланиб, тинади", дейишади, ёмон кунлар ўтиб кетгани рости бўлсин!..

Исматулла МАМАНОВ,
хуқуқшунос.

Биласизми?

ҚИШКИ ИЧИМЛИК ВА ТАОМЛАР

Қишининг изгиринли кунлари бошланиши билан совуқдан сақланиш чораларини излаймиз. Ақс ҳолда шамоллаш ва бошқа хасталиклар келиб чиқиши мумкин. Бу эса бизга ёқмайди, албатта. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тўғри овқатланиш орқали бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мумкин экан. Бу борада танани қиздирувчи дамлама ва чойлар айниқса, жуда фойдали.

Асал ва занжабилдан тайёрланган чой совуқ кунда ичиладиган ичимликлар ичида энг маъқули ҳисобланади. Бундан ташқари, яллиғланиш ва микробларга қарши антисептик хусусиятга эга. Бунинг учун занжабил илдизини олиб, яхшилаб ювилади ва кичик бўлақларга бўлинади. Чинни чойнакка солиб, устидан қайноқ сув қуйилади. Ушбу дамлама 10-15 дақиқа тиндирилади. Бироз совуқч, илик ичимликка асал қўйилади.

Асал ва саригёли сут совуқда қуруқшаган шиллик пардаларни юмшатади ва асабни тинчлантиради. Ушбу ичимликни тайёрлаш учун 1 стакан қайноқ сутга 1 чой қошиқ асал қўйилади. Бунга бир чимдим долчин қўйиш ҳам мумкин. Бирок, бу ичимликни тумов ёки томоқ яллиғланганда ичиш тавсия этилмайди. Чунки, бундай пайтда ичилса, шиллик ҳосил бўлишини кучайтиради.

Ичимликлар билан бирга кишда организмни қувватлантирувчи озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Бу иммунитетни мустаҳкамлаб, танани витамин ва микроэлементлар билан мунтазам таъминлайди. Бунинг учун аввало, танани қиздирувчи иссиқ таомларни кўпроқ тановул қилиш лозим. Булар гўшти шўрва, қайнатмалар ёки сабзавотли суюқ овқатлардир. Аслида сабзавотлардан тайёрланган шўрва гўшдан тайёрланган таомга нисбатан анча фойдалидир.

Шунингдек, совуқ кунда оч қолиш ёки парhez қилиш зарарли. Маҳсулотларнинг фойдали жиҳатлари, таркибидаги мавжуд оксил, ёғ ва углеводларни аниқлаб, тамадди қилиш лозим. Углевод ҳамда ёғ қувват манбаидир.

Йирқи сули ва гречка ёрмаси витамин ва микроэлементларга бой бўлиб, ичак тўқималаридаги микрофлора учун фойдали маҳкам ҳамда қўшимча қувват беради.

Туршак, майиз ва қуритилган мевалар кишда витаминлар манбаи ҳисобланади.



Гўшти маҳсулотлардан товук ва қўй гўшти афзалроқ. Балик маҳсулотларидан эса қизил рангли ва ёғлисини танлаган маъқул. Сабзавотлардан пиёз, брокколи қарамлик, салат барглари қиздириш хусусиятига эга. Тузланган қарам ҳам ажойиб қишки таомлар сирасига қиради.

Шивит, саримсоқпиёз, зира, долчин, гармдорининг барча турлари аёзлик совуқда ҳам организмни қиздира олади ва тана ҳароратини бир меъёрга ушлаб туришга ёрдам беради.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

ТЎХТАБОЙ ТЎХТАИЛДИ!



боласи-да, — деди гап буткул бошқа томонга оғиб кетганидан қувонган отахон. — Раҳматли Норбўта «саранжом» ҳам «ховли ифлос бўлади» деб, молига ҳашакни кўчага тўкарди.

— Афсуски, баъзан яхши одамларнинг фарзандлари отасига тортмагани ёмонда... — Оқсоқолнинг бу илмоқли гапидан сўнг Абдубакир ота боғия хавотири беҳуда эмаслигига ишонч ҳосил қилди.

Демак, катта ўғли Тўхтабой бирор ишқал чиқаргани энди кундай равшан эди. Муюлишда аксига олиб, маҳаллада «сўнги ахборот» деган лақаб олган пиёниста Норчага дуч келди. Бундан 5-6 йил муқаддам қизини ўғлига олиб бериш учун "нон синдириб", кейин фикридан қайтгани боис, Норча анча пайтгача хафа бўлиб юрганди. Ширакайф Норча биринчи бўлиб гап бошлади:

— Намунча қовоғингиздан қор ёғади, домла? Ўғлингиз Тўхтабой кизимга уйланмаган бўлса ҳам, ҳамкорлик қилаймиз. У сиз каби мирқурак эмас, ҳақиқий бой бўлди.

Абдубакир ота келини сузиб келган ошга қўлини ҳам теккизмади. Ярим кечага ўғлини кутиб ўтирди. Ниҳоят, ховлининг қоқ ўртасига келиб тўхтаган автомашинадан тушган Тўхтабой уловнинг юкхонасини очиб, зил-замбил картон кутини олди-да, ичкарига қўйиб чиқди. Отаси келганини хотинидан эшитган, шекилли, гандираклай-гандираклай ёғоч қароват ёнига етиб келди-ю, сўрашиш учун отасига қўл узатди.

— Ярим тунгача қаерларда санкиб юрибсан?! — жеркиб берди Абдубакир ота.

— Қаерда бўларди, — деди мастлик туфайли тили яхши айланмаётган ўғил, — бўзчининг моксидек у ёқдан-бу ёққа қатнаб, оилани боқиш учун пул топиб келяпман. Тирикчилик, дада, нима қилай?

— Мен сендан ҳозир қаердан келяпсан, деб сўраяпман! — жаҳл билан такрорлади ота. — Бугун ишга чиқмаганингни биланман.

— Терговчига ўхшаб сўроқ қиласиз-а, дада, — норози бўлди ўғил. — Нима

манглар, деяётганим йўқ, — овозини майинлатди қайнота. — Фақат қинғир йўл билан эмас, тўғри, ҳалол йўл билан пул топсин, дейман. Эртага "аттанг", деб қолманглар.

Келин энди эрига юзланиб, шангиллади:

— Бўлди, тушунарли! Мана, душманингиз кимлигини билиб олдингиз. Айтсам, ишонмасдингиз. Дадангиз бир куни сизни қаматиб юборишдан ҳам тоймайди!..

Тўхтабой худди шу гапни кутиб тургандек, итоткорлик билан хотинига эргашиб, ичкарига йўл олди. Ташқарида ёлғиз ўзи қолган ота аламли кўз ёшларини тутиб туролмади...


Отасининг насихатларига кулоқ осмаган Тўхтабой барибир ўз билганидан қолмади. У эртаси куни шом пайти келишилган манзилда мижозни кута бошлади. Соч-соқоли ўсиб кетган, турқи совуқ бўлса ҳам гаплари дадил бу кимса ундан божхона масканидан сал нарироқдаги айланма йўл яқинидан деҳқончилик маҳсулотларини бозорга олиб келиб беришда ёрдам



УЛКАН ҚОЯТОШ

Эль-Пеньон-де-Гуатапе қояси Ер сайёрасидаги энг катта тошлардан бири ҳисобланади. Айтиш мумкинки, у ҳозирча Австралиянинг Улуру қоясидан кейин иккинчи ўринда туради. Бу қоятош Колумбиянинг Антьокия департаменти худудида, Гуатапе сув омбори қирғоқларида жойлашган. Эль-Пеньон-де-Гуатапе тошининг ўзига хослиги, ноанъанавийлиги унинг таркибий тузилмаси билан белгиланади. Яъни у ўз таркибида кварц, дала шпати (силикатлар жинсига мансуб минерал) ҳамда слюда (шаффоф минерал) каби элементларни мужассам этган.

70 миллион йиллик тарихга эга ушбу улкан қоя қадимда маҳаллий



аҳоли бўлмиш ҳиндуларнинг "тахамис" қабиласига ибодат маскани бўлиб хизмат қилган. Улар бу қояни "мохарра" ёки "мухара", яъни "қоя" ёки "тош" деб аташган.

1940 йил бошларида қоя давлат муҳофазасига олинган.

Бугунги кунда эса сайёҳлар эътиборини тортадиган, диққатга сазовор табиий ёдгорлик сифатида қадрланади. Қоянинг узунлиги 380, эни 100, баландлиги 220 метр бўлиб, сайёҳлар махсус зиналар орқали унинг



тепасига чиқиш имконига эга. Зиналар сони тахминан 650 та. Бу зиналарга узоқдан тикилсангиз, қоятош хушбичим аёлларнинг корсетини эслатиб туради. Унинг юқори нуктаси денгиз сатҳидан 2135 метр баландликда деб белгиланган.

Дарвоқе, ушбу қояни илк бора забт этган кишилар Гуатапеннинг уч фуқароси бўлиб, бу ҳодиса 1954 йил 11-16 июль кунлари содир бўлган. Улар қоянинг шимолий қисмига катта ўйма ҳарфларда ГУАТАПЕ (GUATAPE) деб ёзишни исташган. Бироқ бу осон эмас эди. Уларнинг кучлари бор-йўғи бу сўзнинг бошидаги бир яримта ҳарфига етган, ҳолос. Натижада қояда "Г" тўлиқ ва "У" ҳарфи чала ёзилган ҳамда "Gi" шакли пайдо бўлган.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

“Бахтли бўлинг” сахифаси

САРОБГА АЙЛАНГАН УМИДЛАР

Ҳаётда кўп синовларни бошимдан ўтказдим. Баҳога ёшига етганимда уйимиздан совчиларнинг қадами узилмай қолди. Ўша кезларда бир нотаниш йигит менга севги изҳор қила бошлади. Уни ёқтириб қолганим учун онамга кўнглимни очдим. Йигит совчиларини юборди. Бир ой ичида тўйимиз ҳам ўтди. Катта оилага келин бўлиб тушдим. Барчанинг кўнглини бирдек олишим керак, деб елиб-югуриб хизмат қилдим. Бир ҳафтадан кейин уйимиз олдига юк машинаси келиб тўхтади. Қайнонам менга берган кўрпа-тўшаклару гиламларини тезда олиб чиқишимни тайинлади. Кейин билсам, бу сарполар бировларники бўлиб, тўй ўтгунча сўраб олинган экан. Бироз дилим оғриди, лекин: “Мол-мулк нима қилиб берарди, шу хонадонда тибиб-тинчиб кетсам бўлди-да”, деб ортиқча гап-сўз қилмадим. Тўйимиздан кейин уч ҳафта ўтса ҳамки, эрим ишга бормас, уйда ўтираверарди. Хуллас, “Маълумотим олий, кўшимча бизнесим ҳам бор”, деган эримнинг ҳамма гаплари ёлгон экан. Унинг ҳеч қаерда ишласлиги, бета-йинлиги шундан сўнг менга маълум бўлди. Тақдирга тан бериб, ҳаммасини ичимга ютдим, ота-онамга билдирмадим. Индамаганим сайин қайнонам ҳар бир ишимдан айб топадиган, эрим эса урадиган одат чиқарди. Ҳомиладорлигимни билганимдан кейин ортага йўл йўқ, дея барига кўнишга мажбур бўлдим. Иккинчи фарзандим тугилгач, пулсизликдан қийналиб ишга кирдим. Бир куни кенжатоим қаттиқ шамоллаб касалхонага тушиб қолди. Эрим ҳам, онаси ҳам бирор марта келиб ҳолимиздан хабар олишмади. Қайтиб келганимда эса қайнонам бу уйдан кетишимни, ўғлини бошқа кизга уйлантирмоқчи эканини айтиб, мени ҳайдади. Икки боламни олиб отамникига қайтишга, уларнинг юзини ерга қаратишга ор қилдим. Ўша куннинг ўзидаяқ ижарага уй топдим.

Ойни этак билан яшириб бўлмас экан. Акаларим ҳаммасини билиб қолишди. Фарзандларимни ўйлаб, маҳалламиздаги кекса онахонлар қайнонам билан муроса қилмоқчи бўлишди. Бу ҳаракатлар бесама қетди. Мен ҳам ажрашишга рози бўлдим...

Бахт деб уйлаганим сароб бўлиб чикди. “Бошқа турмуш қурмайман, фақат фарзандларим учун яшайман”, деб аҳд қилгандим. Бироқ, сўнгги пайтларда ўғлимнинг тарбиясида отанинг ўрни кераклигини сезяпман. **Ёшим 32 да.** Болаларимга меҳр қўйиб, тарбия берадиган инсон бўлса, турмушга чиқаман.

ҲАБИБА,
Қашқадарё вилояти.

Кўнгли ЯРИМ – АЙБДОР ЭМАС-КУ!

Асомиддин ака билан тўққиз йил бирга яшадик. Раҳматли биринчи гуруҳ ногирони бўлгани учун оғир иш қилолмас, ҳовлимизда кичкина боғдорчиликни йўлга қўйганди. Қисмат бизни жуда эрта айирди. Уч қизим билан бу айрилиққа кўникишимиз жуда қийин бўлди. Эримнинг маъракаларидан кейин қайнонамникига кўчиб ўтдик. Қизларим отасиз эканлигидан ўксимасин деб, уларни кўнглига қарашга ҳаракат қилдим. Минг шукурки, оқила, вазмин, орас та қизлар бўлиб вояга етишди. Ўқув курсларида таҳсил олиб, ҳунарли бўлишди. Бироқ, энди уларнинг келажаги ҳақида бироз ташвишдаман. Чунки, уйимизга келган совчилар: “Отасиз ўсган қиз экан”, деб қайтиб кетишпти. Ахир бу ҳолатни қандай тушуниш мумкин? Наҳотки, кўнгли яримни айбдор қилиш шунчалик осон бўлса? Менимча, болалиқдан қийинчилик нима эканлигини қўриб ўсганлар, келажақда ҳар бир вазиятга мулоҳаза билан ёндошадилар. Нима бўлганда ҳам қизларимни бахтли қилиш менинг зиммамдаги вазифам деб биламан. **Катта қизим 23, ўртанчаси 22 ёшда.** Бизни тушунадиган, қизларимни бахтли қила оладиган йигитлар учраса, хабар берсангизлар.

РАҲИМА опа,
Самарқанд вилояти.

ОИЛАМ БУТ БЎЛСА...

Турмуш ўртоғим билан ажрашганимга ўн йилдан ошди. Бир нафар қизим бор. Бошқа турмуш қуришни истамадим. Ота-онамнинг хизматида бўлдим. Маҳалламиздаги тикувчилик цехида келиноиларим билан бирга кўп йиллар ишладим. Утган йили ота-онам кетма-кет вафот этишди. Уларга суяниб, ёлғизликни ҳис этмаган эканман. Шу кунларда бир суянчиққа муҳтожман. Ҳозир укам билан бир ҳовлида яшаймиз. Оилам бут бўлишини истаيمان. **Ёшим 39 да.** Иши, уй-жойи тайин инсон учраса, турмуш қуриш ниятиданман.

УМИДА,
Сурхондарё вилояти.

УЙЛАНМОҚЧИ ЭДИМ...

Ўзини андижонликман, исмим Акбар ака, дея таништирган бу киши кўринишидан 45-50 ёшлига ўхшарди.

— Тошкентга келганимга икки ойдан ошди, — деб гап бошлади у. — Аёлим: “Сендай танбал эрнинг кераги йўқ”, деб мени уйдан ҳайдаб юборди. Аччиқ ус-тида: “Бу хонадонга бошқа қайтиб келмайман”, дея фарзандларимни ҳам ташлаб чиқиб кетдим. “Бахтли бўлинг” рукнига мурожаат этган аёллардан бирортасининг телефон рақамини берсангиз, танишиб, уйланмоқчи эдим.

— **Оилангиз, вояга етган ўғил-қизларингиз бўла туриб-а?**

— Мен энди уларнинг олдига қайтиб бормаيمان!

— **Аслида “Оила” бўлимига турмуш қурмаган ҳамда қонуний ажрашганлар, зарурий ҳужжатларни топширганларидан кейингина қабул қилинади. Қолаверса, ҳозир сизнинг оилангиз бор. Қандай сабаб билан тортишиб қолгангиз бизга қоронгу. Бошқа бир аёл билан оила қуриб, яшаб кетавериш осон, деб ўйласангиз қаттиқ янглишасиз.**

— Уй-жойи бор, турмуш қуришни истаган аёллар бўлса, уйланиб, янги ҳаёт бошлашни ният қилиб келгандим.

— **Кечирасизу, биз сиз каби ҳаётга, оила, фарзанд каби муқаддас неъматларга енгил қарайдиганларга хизмат кўрсатмаймиз. Яхшиси, оилангиз бағрига қайтиб бориңг. Фарзандларингиз сизни кутиб ўтиришгандир. Аёлингиз албатта сизни кечиради.**

ОНАМИЗДЕК АРДОҚЛАЙМИЗ

— Фарғонадан телефон қилипман. Бир ҳафта аввал, дадам Абдуқодир отанинг ҳужжатларини жамлаб, почта орқали жўнатгандим.

— **Мактубингиз етиб келди.**

— Сизлардан илтимос, 60 ёшгача бўлган, фарзандсиз ёки болалари ташвишидан қутулган аёл бўлса хабар берсангиз. Дадам **65 ёшда.** Онамнинг вафот этганига беш йилдан ошди. Тўрт фарзандимиз. Уй-жойларимиз етарли. Ҳаммамиз дадамнинг кўнглига қарашга ҳаракат қиламиз. Шундай бўлсада, улар ёлғизлиб қолаётгандек назаримизда. Ака-ука, опа-сингиллар маслаҳатлашиб, сизларга мурожаат этаймиз. Дадамиз уйлانган аёлни онамиздек ардоқлаб, хизматларида бўлардик.

— **Бирор янгилик бўлса, албатта, хабар қиламиз.**

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла фуқаролар йиғинидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(8-371)234-25-46

ИНТЕРНЕТГА ҚАРАМЛИК ҲАМ «КАСАЛЛИК»

Тараққийёт тезлашаётган бир даврда ахборот олами деган кудратли майдонга қадам қўйдик. Инсоният учун салбий ва ижобий томонлари тўлиқ ўрганилмаган сир-синоатларга бой, ҳадсиз ахборот дунёсига айланган интернет, аслида энгил бўлмас уч бошли аждаҳхо эмас, аксинча, инсоният қўли билан яратилган ихтиро! Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Дунёда одамларни сунъий равишда лоқайдликка чорловчи, ёшлар онгига бузғунчилик ва турли ақидаларни сингдириш ва шу йўл билан улар онгини захарлаб, нотўғри йўлларга бошқаришга уринаётган мафкуралар ҳам мавжуд. Улар ўзларининг разил мақсадларига эришиш йўлида интернетдан фойдаланиб, телефон ва компьютерга «боғланиб қолаётган» айрим ёшларни тузоғига йлантиришга уринмоқдалар.

Зеро, чексиз ахборот уммонида «оммавий маданият» никоби остида соддалик билан ёшлар онгига кириб бораётган ёт гоғлар ва манкуртликка етакловчи бундай мафкуралар асирга айланган одам алдамчи ҳаловат ичра ўзини овутиб яшайверади.

Бизга кинофильмлардан маълумки, ўтган аср бошларида европалик киборлар салом-алик қилишса, бир-бирларига бош кийимларини ечиб ҳурмат кўрсатишган. Бугунги ёшлар эса ана шу ҳаракатни сал бошқачароқ талкин қилишмоқда. Яъни, саломлашганда қулоқчин (наушник)ларини ечиб бош иргашмоқда. Қўшиқ эшитаётган тенгдошимиз ҳар ҳолда бизни илғаб олаётгандир. Аммо ижтимоий тармоқлар бағрига сингиб кетган ўғил-қизлар ҳақида бундай дейиш қийин.

Яқинда коллежда таҳсил олаётган

бир қиз билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг айтишича, гуруҳдошларининг ҳаммаси замонавий телефондан фойдаланишар экан. «Гуруҳимиздаги ҳамма қизлар «Whats up» да гаплашди. Улардан орқада қолаётганим учун юрагимга ҳеч нарса сиймапти. Онам эса сенсорли телефон олишимга қарши. Ахир, замонавийликни онам



қайданам тушунарди», дейди у. Бу қизга муаммо бўлиб кўринаётган сабаб бизни мулоҳазага ундайди. Нега унинг онги бунчалар саёз? Наҳотки, вақтинчалик кўнгилхушликлар балогат ёшидаги қизнинг юрагига оғриқли аламга айланса? Унга ҳеч нарса демадим. Зеро, унинг ўтқинчи ҳаваси, саёз фикрларидан зукко тенгдошларимиз ўзларига яраша хулоса чиқариб олишар.

Шунга қарамай, «Телеграмм», «Одноклассники», «Твиттер», «ВКонтакте», «Facebook», «What's up», «Viber» ва бошқа ижтимоий тармоқлар айрим тенгдошларимизни ёқимли оханрабодек ўзига тортиб бормоқда. Уларда диний ақидапарастлик, ноҳуш тақийат, ахлоқий бузуқликлар кенг талкин этилаётгани даҳшатли ҳодисадир.

Йигит-қизлар орасида берилиб ўз телефонига матн тараётган, ижтимо-

Мулоҳаза

ий тармоқлар асирга айланаётганларга ҳар қадамда дуч келяпимиз. Буни «замонавий зомбилашув», дейишимиз мумкин. Фафлат босган бу ёшлар умри беҳуда ўтиб кетаётганини, ўзлари учун яратилаётган имкониятлардан ўз вақтида фойдаланмай, вақтни ўтқинчи хою-ҳавасларга сарфлаб юбораётганини англаб етганида, афсуски, жуда кеч бўлади. Жамоат орасида, бир ўкув масканида ёки интернет кафеда ҳаммида ёнма-ён юрган бу йигит-қизлар бир-бирларига нисбатан ўзаро меҳр-оқибатни, дўстлик ва ҳамфикрликни ҳис этмаётдилар. Таажжубки, улар ёнма-ён бўлсалар-да, аслида ёлғиз одамлардир. Қайсидир маънода бу манкуртликнинг бир кўринишига ўхшайди. Кўпни кўрган кексалар: «Танинг дарди оғиздан қиради», дейишади. Маънавий хасталиклар эса бугунги ёшлар онгига кўзу-қулוגидан кириб бормаётими?!

Айрим мамлакатларда одамларни «интернетга қарамлик» хасталигидан даволовчи клиникалар ишлаётгани ҳақида ҳам эшитяпмиз. Бизнинг юртимизда эса мазкур касаллик, шукрки, ҳали бу даражага етгани йўқ. Аммо, мактаб ўқувчиларининг интернет кафедралардаги бир зумлик ҳаётини кузатарканмиз, бу хасталик уларнинг қалбини ҳам жароҳатлашмоқда, ҳеч ким кафолат беролмасе керак, деган оғриқли бир ўй кўнглимиздан ўтади.

Мамлакатимизда ёшларнинг билими, юксак салоҳиятли бўлиб ўсишлари учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ватанимиз зукко, акли расо, баркамол ёшларга таянади. «Фарзандларимиз — эртамиз эгалари», дея бизга қатъий ишонч билдирилмоқда. Мана шундай паллада ота-оналар ўз фарзандларига ҳажжи болалигидан бошлаб меъёрни тушунтирсалар, бундай салбий ҳолатлар ва тарбиясизликларнинг олди олинади. Мурғак қалбларга ёвуз ниятлар соя сола олмайди.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Фарғона вилояти.

ХАРАЖАТЛАР ҚОПЛАНДИ

Мен ноқонуний ишдан бўшатишга эдим. Яқинда қайта иш жойимга тикландим. Ушбу вақт давомида олмаган меҳнат ҳақимни ва қилган сарф-харажатларимни ташкилотимиз раҳбаридан талаб қилишим мумкинми?

К. Абдуллаев

Албатта, мумкин. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасида жисмоний ёки юридик шахснинг ариза-си ёҳуд шикоятни ана шу муурожаат бўйича қонунга хилоф қарор қабул қилган давлат органи томонидан қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарарнинг ўрни, аризани ёки шикоятни кўриб чиқиш учун тегишли давлат органининг талаби билан жойларга бориш муноса-

Савол-жавоб

бати билан қилинган харажатларнинг ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақининг ўрни муурожаат этувчига суд тартибида қопланиши, маънавий зарар ҳам компенсация қилиниши белгиланган.

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёҳуд шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида давлат органи томонидан тўланган маблағлар айбдор мансабдор шахсдан регресс тартибда ундириб олиниши мумкин.

Саволга Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Миркомил БОЗОРОВ жавоб берди.

«UMID VA ISHONCH»

ТИББИЁТ МАРКАЗИ

қуйидаги хизмат турларини таклиф қилади:

- Эндокринолог.
- Терапевт. ЭКГ.
- Невропатолог. ЭХО-ЭС.
- Гинеколог
- Уролог.
- Клиник-биокимё лабораторияси.
- Ультратовуш ташхиси (УЗД) Medison X 6 аппаратида донптерография.
- Физиотерапия.
- Муолажа хонаси.

РЕКЛАМА

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

8 (371) 245-07-42, 245-07-72,
245-07-79, 227-47-80.

Манзил: Тошкент шаҳри. Бешёғоч ҳақаси. 1-уй
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи яқинида.
E-mail: umid_va_ishonch@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Лицензия № 1255-00

Берилган сана: 26.03.2012 йил

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oila.vajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРОМОНОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 5602. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5